*Кадрлар билан ишлашда ошкоралик*

# КОРХОНАНИНГ ҲАҚИҚИЙ ХЎЖАЙИНЛАРИ

Ғиждувон ип-газлама фабрикаси меҳнат жамоаси ишлаб чиқаришнинг тиғиз маромини таъминламоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида биринчи нав ип тайёрлаш деярли 13 фоиз кўпайди. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг сифати ҳам муттасил яхшиланиб бормоқда. Буюртмачиларга бир миллион 168 минг сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилди. Шартнома 102 фоиз адо этилди. Фойда олиш режадагидан 60 минг сўм юқори бўлди.

Яқин-яқинларда оқсаб келган бу корхона ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш борасида бунчалик тез илгарилаганлигининг сабаблари нимада? Бу саволга жавоб излаб, меҳнат жамоаси ҳаёти билан муфассал танишдик. Пировардида жавоб топилди: барча ўзгаришлар раҳбар ва мутахассис кадрларни танлашдаги ошкораликда, ходимларнинг янгиликка иштиёқи устунлигида экан.

Турмуш ва ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларини демократиялаш, ишни қайта қуриш тўла ошкораликни тақозо этишига бугун ҳеч кимда шубҳа йўқ. Меҳнат жамоаси аъзолари, коммунистлар аввал бошдан шу йўлни танлаб янглишмадилар. Фабрикани оёққа турғазишга кўп хизмати сингган Ризоқўл Отақулов бошқа ишга ўтди. Шунда янги директорни муқобил номзодлар кўрсатиб сайлаш фикри туғилди. Бош инженер Мурод Умаров энг кўп овоз олди. Шу-шу раҳбарларни, инженер-техник ходимларни, жамоат ташкилотлари етакчиларини ошкора сайлаш анъанага айланди.

Бўлимлар, сменалар раҳбарлари директор буйруғи асосида тайинланишига ҳамма кўникиб кетган эди. Қайта қуриш жабҳаларидан баҳра олиб, бу ерда ҳар бир лавозимга сайлов ўтказа бошлашди. Чунончи, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи С. Жўраев район партия комитетига ишга ўтганидан кейин бўшаб қолган ўрин учун учта номзод кўрсатилди. Улар бир неча кун мобайнида қуйи меҳнат жамоаларида муҳокама қилинди. Сайловда инженер Аслон Исломов энг кўп овоз олди. Тайёрлов бўлими бошлиғи лавозимига қуйи жамоалар уч мутахассис номзодини кўрсатишди. Одамларнинг 60 фоизи Тошпўлат Хўжаевни ёқлади. Ёш инженер бўлим бошлиғи бўлиб ишлай бошлади. Инженерлардан Зариф Ҳамроев, Тўрақул Ҳамдамов, Лида Қодирова, Фармон Ҳамроев ҳам етакчи мутахассислар сифатида ишга киришдилар. Уларни муҳокама қилиш чоғида хилма-хил фикрлар билдирилди. Инженер И. Рўзиевнинг дастури, ишни яхшилашга қаратилган таклифларини бригада жамоаси қизғин маъқуллади.

Кадрларнинг янги, давр руҳини ҳис этувчи, билимдон, ёш авлодини шакллантиришда ҳам ошкоралик яхши самара бераётир. Меҳнат жамоаси аъзолари 18 етакчи ўринга 54 номзод кўрсатишди. Уларни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёни ошкора тус олди. Йиғилишларда билдирилган фикр-мулоҳазалар ёш кадрларни тарбиялашда муҳим дастур бўлмоқда.

— Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш партиянинг мутлақ тасарруфида бўлиши керак — бизни шу ақида асосида тарбиялашди, — дейди фабрика директори, Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг делегати М. Умаров.— Натижада кадрлар таркибида жиддий бузилиш рўй берди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ноқобил раҳбарлар, етакчилар партия обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўйдилар. Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС XXVIII съезди йўл-йўриқлари асосида бу иш меҳнат жамоалари тасарруфига берила бошланди, сайловлар қайта қуришнинг чинакам ташкилотчиларини намоён этди.

Хўш, барча бўғинларда янгича услуб қандай самаралар берди?

Янги раҳбарлар ишни тўла хўжалик ҳисобини жорий этишдан бошлашди. Ишчилар, мутахассисларнинг пировард натижадан манфаатдорлиги ошди. Ишлаб чиқаришнинг қуйи бўғинларида бригада пудратига ўтилди. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш сарф-харажатларни камайтириш йўлини очди. Маош қисқа муддатда 30—40 фоиз кўпайди. Шундай қилиб, хўжалик ҳисоби, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг иқтисодий омилларига ўтиш натижалари кўзга яққол ташлана бошлади. Пиликловчи М. Элова, тўқув мастерининг ёрдамчиси Р. Бақоев, Б. Тошев, йигирувчи Ш. Эсомова, О. Қиличева, тўқувчи Н. Ғаффорова, калаваловчи С. Бозорова, пилталовчи Г. Низомова меҳнатда шахсий ибрат кўрсатаётирлар. Ижара пудратига ўтган Р. Бақоев, Ш. Қиёмов бошлиқ цехлар ойлик иш режасини 102—104 фоиз адо этмоқдалар.

Корхонада барча бўғиндаги кадрларни ўқитиш, малакасини оширишнинг кенг кўламли дастури ишлаб чиқилди. 715 киши ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўқувга жалб этилди. 36—72 соатли бу машғулотлар жараёнида ишчилар қўшимча касбларни ҳам эгаллаб олдилар. Ўз меҳнатини ташкил этиш, хом ашё, ёрдамчи материаллар, техникадан унумли фойдаланиш бўйича олинган билимлар иш самарасини оширди. Булардан ташқари тингловчиларнинг муайян қатлами ёки гуруҳи учун илғор тажриба мактаби, иқтисодий-техника, ёш бригадирлар тайёрлаш курслари ташкил этилди. Бошқа йирик турдош корхоналарда малака ошириш кенг йўлга қўйилди.

Шуни айтиш кераккки, бу ерда амалга оширилаётган барча тадбирлар ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошираяпти. Корхона ишчиларининг сўнгги ошкора мулоқоти бунга мисол бўла олади.

— Ўзимиз тўқиётган ҳар бир метр хом сурп учун 45 тийиндан ҳақ олаяпмиз, — деди коммунист А. Шодиев.— Бошқа корхона бироз меҳнат сарфлаб гул босиб, 2—3 баробар кўп ҳақни ундиради. Ўзимизда гул босишни йўлга қўйиш наҳотки қийин бўлса?

— Бу фикрни тўла қўллаб-қувватлайман, — дейди коммунист Замира Остонова. — Район партия конференциясида, район Советн сессиясида бу масалани кескин қилиб қўйган эдим. Ваъда ҳам беришганди. Лекин ҳамон натижа йўқ.

Коммунист Шоди Зоиров кўндаланг қўйган муаммо — экологик аҳволнинг мушкуллашуви билан боғлиқ масалалар кўпчиликни ўйга толдирди. Нотиқ Ғиждувон аҳолиси ичимли сувга зор бўлиб бораётганлиги ҳақида ҳаяжонланиб гапирди. Ҳолбуки, Кўкча массивида топилган сув булоқларини қувурлар орқали шаҳар ва теваракдаги қишлоқлар билан туташтириш мумкин.

— Юқори минтақада уран, нефть ва бошқа ерости бойликларини жадал усулларда қазиб олиш жараёнида қуйи қатламларга босим остида юборилаётган кислоталар, бошқа кимёвий бирикмалар ерости сувини булғамаслигига ким кафолат беради?— Зарипов ўз сўзини шундай савол билан якунлади.

Мунозара, фикр олишув давомида вилоят, район идоралари олдига тегишли масалалар қўйилди. Охирида меҳнат жамоаси аъзолари энг яқин ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-техникавий режалар билан таништирилди. Жумладан, 1991 йили фабриканинг иккинчи навбатини қуриш мўлжалланмоқда. Шунда хом сурпга гул босиш цехи ҳам ишга тушади. Бухорога ичимли сув етказувчи қурилма Ғиждувон ҳудудидан ўтиб, унинг қишлоқлари аҳолисининг таъминотини кескин яхшилайди. Бундан ташқари Ғиждувонни Кўкча массиви билан уловчи сув йўли очилади. Бу иншоот лойиҳаси тайёрланмоқда.

Ҳа, кадрларни демократик тарзда янгилаш яхши самаралар бераётир. Ишчиларда истиқболга ишонч кучаймоқда. Бинобарин, иш мароми ошиб, маҳсулот сифати яхшиланаётир. Зеро, хўжалик ҳисоби ҳар бир меҳнатчи яхши яшаш учун баракали меҳнат қилиш лозимлигини англаб етишига, ўз қадамларини шу талабга мослаб олишига кўмаклашмоқда.

**М. БАҚОЕВ.**



# ОДАМЛАР ОРАСИДА

Шовот район партия комитети иш услубини давр талаби асосида қайта қурмоқда. Ўтган уч йил ичида қоғозбозлик, мажлисбозлик деярли барҳам топди. Бошланғич, цех партия ташкилотлари, партия гуруҳлари билан алоқа мустаҳкамланаяпти. Коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш, муаммоларни жойида ҳал этиш одат тусига кирмоқда. Масалан, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ю. Ҳусаинов ҳисоботи тингланди. Ютуқлари билан бирга камчиликлари, қурилиш ишларини жонлантиришнинг аниқ имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди. Ю. Ҳусаинов ўзига тегишли хулоса чиқарди. Ҳал қилувчи дамларда ташаббускорлик кўрсатди. Натижада бултур Шовот районида қурилиш ишлари сезиларли равишда жонланди. 43 минг квадрат метр уй-жой тикланди, қурилиш материаллари магазини ишга тушди. Жорий йилда ҳам суръат бўшаштирилаётгани йўқ.

Меҳнат жамоаларида ўтказилаётган райком кунлари ҳам яхши самара бераяпти. Пахтакорлар, чорвадорлар, боғбону соҳибкорлар меҳнат унумдорлигини ошириш, ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этиш, коммунистлар раҳнамолигини кучайтиришга қаратилган таклифларни ўртага ташламоқдалар. «Колос» давлат хўжалигида ўтказилган йиғилишда асосий гап ҳал қилувчи бўғинларга партиявий таъсирни кучайтириш ҳақида борди. Маълум бўлишича, 30 фоиз бригада ташкилотлари уч-тўрт коммунистлардан иборат экан. Бундай шароитда мақсадга эришиш қийин. Кўпчилик таклифлари ва мулоҳазалари инобатга олинди. КПСС аъзолари агроучасткаларга бирлаштирилди. Эндиликда колхозлар ва совхозларда аввалги 156 та ўрнига 81 та цех партия ташкилотлари фаолият кўрсатаяптилар. Райком инструкторлари улар билан ҳамкорликда оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни жонлантиришмоқда.

— Асосий эътибор барча иш жойларида соғлом, ижодий муҳит яратиш, бошланғич ташкилотларнинг нуфузини оширишга қаратилмоқда, — дейди Шовот район партия комитетининг биринчи котиби Амин Қаландаров. — Шубҳасиз ижодий изланишга, тажрибалар алмашишга, эски услубдан дадиллик билан воз кочишга тўғри келмоқда. Жойлардаги партия комитетлари қошида тадбиркор, эътиқодли, қайта қуришни амалда ёқлаётган коммунистларни ўз атрофига бирлаштирган махсус группалар туздик. Улар маълум бир тармоқдаги пировард натижа учун жавобгардирлар. Фаоллар одамлар билан жонли суҳбатлар ўтказиб, уларни тўлқинлантираётган масалалар, биринчи галда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни аниқламоқдалар. Биргалашиб меҳнаткашларнинг мушкулини осон қилишга қаратилган тадбирлар белгилаяпмиз. Халққа яқин бўлиш долзарб муаммоларни тез аниқлаб, жойида ҳал этиш имконини бермоқда. Бу борада «Ленинизм», «Правда», «Партия XIX съезди» колхозларида қувончли натижалар қўлга киритилаяпти.

Демократия ва ошкоралик шароитида райком бюро мажлислари, пленумлар том маънода ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда. Муҳим ҳужжатлар кўплашиб муҳокама қилинмоқда, маърузаларнинг асл мағзи район газетасида эълон қилиб борилаяпти. Кадрларни танлаш, тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш — фаолиятнинг бош мезони. Аксарият меҳнат жамоаларида раҳбарлар ва мутахассисларни муқобил номзодлар кўрсатиш йўли билан сайлаш таомилга кирган. Сўнгги икки йил ичида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг 47 фоизи, 20 га яқин корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, жамоа хўжаликлари бошқарувининг раислари сайлов йўли билан сайландилар. Эндиликда ҳаёт партия ходимларидан ўта ҳушёрликни, чуқур билим, ташкилотчилик ва сабр-қаноат билан иш юритишни талаб этаяпти. Шу боис райкомда ҳар ойда икки марта бошланғич ташкилотларнинг котиблари, сайлаб қўйилган фаоллар иштирокида иқтисод, совет қурилиши ва бошқа масалалар юзасидан машғулотлар ўтказилмоқда. Уларни етук мутахассислар, сиёсатдонлар олиб боришаяпти. Шунингдек, Киров номли жамоа хўжалиги чорвачилик фермасида, «Партия XXII съезди» колхози устахонасида ўтказилган семинарларнинг фойдаси катта бўлди. 1990 йил бошида хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари билан иқтисодиёт масалалари юзасидан суҳбатлар ўтказилди. Кимнинг нимага қодирлиги равшан бўлди. Шу тариқа кадрларнинг ишчанлик қобилияти, фазилатлари билан яқиндан танишилаяпти.

Тадбирларнинг шарофати туфайли Шовот районида халқ хўжалигининг барча соҳаларида силжиш рўй бермоқда. Давлатга пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари топширишда илдам қадамлар қўйилаяпти.

**Айни** кунларда асосий эътибор ғўза парваришини қизғин давом эттириб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб юборишга қаратилмоқда. Оммавий-сиёсий ишлар дала шийпонларига кўчирилган. КПСС XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди тарихий ҳужжатларининг моҳияти ҳар бир қалбга чуқур сингдирилмоқда. Муҳим ишга тарғиботчилардан ташқари коммунистлар, зиёлилар, етакчи мутахассислар жалб этилган. Қайта қуриш истеъдодли ташкилотчиларни намоён этмоқда. Райкомда «Правда» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Юсуфбой Саъдуллаев ҳақида илиқ гапларни айтишди. Бир пайтлар хўжалик қарзга ботганди. Сурункасига пахта экилавериб ерга жабр қилинган, кадрлар қўнимсизлиги юзага келган эди. Ташаббускор коммунист Ю. Саъдуллаев бутун куч, билим ва маҳоратини ишга солиб, кўпчиликни мақсад сари сафарбар эта олди. 500 гектар ер капитал текисланди, ариқ-зовурлар тозаланди. Ижтимоий соҳага муносабат тубдан ўзгарди. Ғишт заводи, янги мактаблар, 4 та болалар боғчалари ишга тушди. Йўллар асфальтланди.

Правдаликлар жорий йилда 770 гектар ерда ғўза парваришлашаяпти. Улар ҳар гектар ердан камида 35 центнердан сифатли хом ашё йиғиштириб олишмоқчи. Фидойи меҳнат, уюшқоқлик туфайли далаларда мўл ҳосил яратилди. Ҳар қилувчи паллага ҳам яхши тайёргарлик кўрилди. Ҳадемай, бепоён пахтазорларга терим машиналари олиб чиқилади. Бу ишларда партком котиби Жумамурот Норбетовнинг муносиб ҳиссаси бор. У ишнинг муваффақиятини мафкуравий жиҳатдан ҳал этиш, коммунистлар раҳнамолигини кучайтириш учун бор имкониятни ишга солаяпти.

Хўжаликда кейинги йилларда миришкор шоликорлар етишиб чиқди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда «Правда» жамоа хўжалиги бу йил давлатга 1000 тонна шоли топширади.

Бундай илиқ гапларни «Колос» совхози директори Болтабой Худоёров шаънига ҳам айтишди.

— Афсуски, барча раҳбарлар бирдек ишлаяпти деб бўлмайди, — қўшимча қилди Амин Қаландарович. — Чкалов номли колхоз бошқаруви раиси Зариф Раматов дастлабки натижалар билан кифояланиб қолди. Билим ва маҳоратини оширмади. Нуфузли йиғилишларда билдирилган жиддий танқиддан хулоса чиқармади. Оқибатда у ўз вазифасидан бўшатилди. Ўрнига бош бухгалтер Пўлат Хўжаниёзов сайланди. Ҳозирги кунда у ерда ишлар яхши кетаяпти.

Шу масъулиятли, қисталанг дамларда партия съезди ва конференцияларининг делегатлари, халқ депутатлари омилкорлик, ташкилотчилик кўрсатишмоқда. Янги-янги ташаббуслар қанот ёяяпти. Районда пахтачилик билан бирга сабзавотчилик, боғдорчилик ҳам ривожланаяпти. Меҳнат ветеранларининг жонбозлиги туфайли 500 гектар ерда янги боғ ташкил этилди. Аммо бу борада ҳали кўп иш қилиниши керак.

«Коммунизм» жамоа хўжалиги чорвадорлари хайрли иш бошладилар. Улар ҳар сигирдан 3.300 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилиб, ҳамкасбларини социалистик мусобақага чақирдилар. Озуқакорлар ҳам бўш келишаётгани йўқ. Буларнинг ҳаммаси янгича иш услуби шарофатидир!

**М. ҚАЮМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА: Шовот район партия комитетининг биринчи котиби А. Қаландаров «Правда» жамоа хўжалиги мутахассислари, цех партия ташкилотларининг котиблари билан шу кеча-кундуздаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

Б. АЛИМОВ олган сурат.

# ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ЙИЛИГА 800 МИНГ ЖУФТ ПОЙАФЗАЛ

Бухоро вилояти Ғиждувон районида жуда ўткир ижтимоий муаммони ҳал этишга киришилди. Бу ерда аҳолини иш билан таъминлаш масаласида мураккаб вазият вужудга келган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 5 мингдан зиёд ёш йигит-қиз ўзига кўнгилдагидек иш тополмаяпти. Лекин шу кузнинг ўзидаёқ ўрта мактабни яқинда битирган 700 нафар йигит-қиз янги меҳнат жамоасининг аъзолари бўлишади. Районда пойабзал фабрикаси қурилиши тугалланмоқда.

Корхона йилига 800 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқара олади. Объектнинг лойиҳада белгиланган баҳоси — 5 миллион уч юз минг сўм.

Гарчи «Облагрострой»нинг 2-трестига қарашли Ғиждувондаги 206-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бу ерда асосий бош пудратчи бўлсада, қурилишда вилоятнинг турли гўшалари — Шофиркон, Вобкент ва бошқа районлардан келган қурувчиларни ҳам учратиш мумкин. Қатъий графикдан орқада қолмаслик учун барча ишлар икки сменада олиб борилмоқда. Корхона Италия, Чехословакия, Югославиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бўлажак пойабзалчилар Украина ва РСФСРдаги етакчи корхоналарда тайёргарликдан ўтдилар.

### ЧИҚИНДИСИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Верхневолинскоедаги тикувчилик-галантерея буюмлари фабрикасининг коллективи йил бошидан буён пландан ташқари деярли 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу кўрсаткичга Андижон ва Бухородаги корхоналар газламаларни бир маромда етказиб бериб турмаган шароитда эришилди.

Бундай мураккаб вазиятда тикувчилар мавжуд барча резервларни ишга солишга мажбур бўлдилар. Бу резервлар орасида асосийси — чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологиясидир. Масалан, газламаларни махсус ускуна ёрдамида бичишга ўтиш коллективга анча хом ашёни тежаб қолиш имконини берди. Яқиндагина чиқинди сифатида ташлаб юбориладиган газламалардан жуда харидоргир бўлган болалар гарнитурлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фабрикадагилар бозор муносабатларига ўтилганида маҳсулот таннархини пасайтиришга муваффақ бўлган коллективгина ютиб чиқиши мумкинлигини жуда яхши тушунадилар. Бундай натижага эса замонавий ускуналарсиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозир даромад асосан корхонани қайта жиҳозлашга сарфланмоқда. Сарфланган маблағ ўрнини ортиғи билан қоплашига бу ердагилар шубҳа қилишмаяпти.

### ХУСУСИЙ АТЕЛЬЕ

Вилоят марказида иккита чоғроқ хусусий корхона пайдо бўлибди, деган хабар Урганчга тез тарқалди. Зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маҳаллий маъмурлар билан шартномалар тузиб бўлинди.

Машарип Отажонов ўз ательесини «Орзу» деб номлади. У шаҳар модалар ательесининг биринчи қаватида жойлашди. «Облшвейтрикотажбит» бирлашмаси унга бино ва ускуналарни ижарага берди.

Тикувчилик билан шуғулланувчи иккинчи корхона унинг эгаси Бахтиёр Қутлиев номи билан аталди. Бу ателье «Водник» микрорайонида жойлашган.

Ҳар бир корхона эгаси бу ательеларни сотиб олиш учун саккиз минг сўмдан пул тўлади. Бу уддабурон кишиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, барча харажатлар яқин уч йил ичида ўзини оқлайди. Маҳаллий маъмурлар билан тузилган шартномага мувофиқ ателье эгалари шимлар, костюмлар, аёллар ва эркаклар кўйлаклари тикиш учун берилган буюртмаларни бажарадилар.

### ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН ҚУРИШМОҚДА

Қўқон бирлашган авиаотрядининг дам олиш зонаси дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. У Ўзбекистон районининг бўш ётган ерларига жойлашди.

Бир вақтлар янтоқдан бошқа нарса ўсмаган жойда энди дарахт кўчатлари яшнаб турибди. Бу ерга вагончалар олиб келинди, электр узатиш линияси ўтказилмоқда. Ҳовуз қурилаяпти, кенг коттежлар учун пойдеворлар қўйилмоқда.

Қўқонлик авиаторлар анчадан буён ўз дам олиш зоналари бўлишини орзу қилишарди. Лекин яқиндагина уларга шу мақсад учун ер ажратиб беришди. Жамоанинг умумий мажлисида бу ердаги барча объектларни хўжалик усулида қуриш ҳамда дам олиш зонасидан йил давомида фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Кейинчалик бу ерда авиаторларнинг теплица хўжалиги ҳам жойлашади.

(ЎзТАГ).



Юзларидан нур ёғилиб турган бу йигитни танийсизми?

У—Наманган вилояти Поп районидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг ёш механизатори Фурқат Абдураҳмонов. Моҳир суворий шу кеча-кундузда Турдиали Сотимов бошлиқ бригада далаларида ғўза қатор ораларига ишлов беришда ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда.

А. УСМОНДИЁРОВ ва Ж. БОБОРАҲМАТОВ олган сурат.

*Қардошлик қонунига биноан*

# РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БАРАКАСИ

Шу кунларда мамлакатимизнинг асосий ғаллакор минтақалари ҳисобланган Украина, Қозоғистон, РСФСР ва бошқа жойларда донни ўриб-йиғиш, янчиш, омборларга ташиш қизғин бормоқда. Ишчи кучи, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, транспорт воситалари етишмаётганлиги, омборларнинг сиғими талабга жавоб бермай қолганлиги сабабли кўпгина муаммолар вужудга келаяпти. Шунинг оқибатида ҳосил ғоят мўл бўлган бу йилги шароитда уни саранжомлаш ишлари чўзилиб, доннинг нобудгарчилигига йўл қўйилаётир. Мамлакат миқёсида ғалла ўрим-йиғим суръати ҳатто қамҳосилли йиллардагига нисбатан ҳам орқада бораётганлиги жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан омборлардаги доннинг салмоғи билан белгиланади. Демак, ғаллани ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш, ташиш, саранжомлаш, унинг нест-нобуд бўлишига йўл қўймаслик умумхалқ ишидир. Ушбу ялпи сафарбарликда барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг вакиллари қатнашиши кўп йиллардан бери анъанага айланган. Ишнинг ғоят катта миқёслари, мавсум маъсулияти ва бошқа омиллар айнан шуни тақозо этади. Ўзбекистон меҳнат жамоалари намояндаларининг ғалла ўрим-йиғимида қатнашиши анчадан бери яхши удум бўлиб қолган. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги ҳайдовчилари ана шу анъанани давом эттириб, бу йил қўшни Қозоғистон ғаллакорларига бўлиқ ҳосилни омборларга ташишда яқиндан кўмаклашмоқдалар. «Ташоблгрузтранс» ва «Ташгоргрузтранс» концернларига қарашли автотранспортчиларнинг катта-катта гуруҳлари айни кунларда Урал вилояти хўжаликларида етиштирилган ҳосилни омборларга ташишмоқда.

Касталов райони колхоз ва совхозлари ғаллазорларида бугунги кунда Тошкент вилояти автомашиналарини тез-тез учратиш мумкин. Чунки юртдошларимиз элликдан зиёд транспорт воситаси билан шу хўжаликларда ғаллани кўзланган манзилларга элтиб беришаяпти. Ҳашарда қатнашаётганларнинг аксарияти Қозоғистон шароитида дон ташиш борасида озми-кўпми тажриба орттирган моҳир ҳайдовчилардир. Уларнинг кўпчилиги ўтган йилларда Кўкчатов, Кустанай, Целиноград вилоятлари ғаллазорларида меҳнат қилишган. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз вакиллари шароитга тез мослашиб, ишни ташкил этишнинг энг оқилона усулларидан фойдаланмоқдалар.

Бўка, Янгибозор, Олмалиқ, Ангрен автокорхоналарининг вакиллари Урал вилояти Касталов районидаги В. И. Ленин номли ва «СССР 60 йиллиги» совхозлари ғаллазорларида ишлашмоқда. Улар донни тўғридан-тўғри йирик омборларга ташияптилар. Чирчиқ, Бекобод, Бўстонлиқ, Алимкент автокорхоналарининг ҳайдовчилари эса юз чақиримдан зиёд йўл босиб, ғаллани дон қабул қилиш пунктларига етказиб беришаётир. Маълумки, буғдой тўкилиб-сочиладиган юклар сирасига киради. Ўзитўкар автомашиналарда, бошқа транспорт воситаларда шундай, маҳсулотни ташиш омилкорлик талаб қилади. Масъулиятни чуқур ҳис этган жумҳуриятимиз вакиллари ғалла ташишда турли мосламалардан самарали фойдаланмоқдалар.

Беллашганда ғайрат жўшади, деб бежиз айтишмаган. Ҳайдовчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги ажойиб натижалар бераяпти. Меҳнат баҳси ҳар ўн кунда якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Август ойининг дастлабки ўн кунлигида Олмалиқ автокорхонаси ҳайдовчи А. Норматов социалистик мусобақада ҳаммадан ўзиб кетди. Иккинчи ўн кунликдаги меҳнат беллашувида эса Янгийўлдаги 2503-автокорхона шофёри А. Холматов ғолиб чиқди. У Касталов районидаги «Таранкўл» совхозида етиштирилган донни омборларга ташишда фидокорона меҳнат қилмоқда.

Урал вилояти Чапаев районида эса «Ташгоргрузтранс» концернига қарашли автокорхоналарнинг вакиллари ишлашаяпти. Улар саксондан зиёд автомашина билан Шолохов номли, Чуйков номли, «Чапаевский» совхозлари ва В. И. Ленин номли колхоз ғаллазорларида етиштирилган мўл ҳосилни омборларга етказишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Жумҳуриятимиз ҳашарчиларининг шу ердаги раҳбари, 2521-автоколонна бўлим бошлиғи Б. Маҳмудов деярли ҳар куни Тошкентга қўнғироқ қилиб, иш қандай бораётганлиги ҳақида ахборот беради, шошилинч ҳал этилиши зарур бўлган масалалар юзасидан маслаҳат сўрайди. У 1-, 39-, 127-автокорхоналарнинг, 2515, 2512, 2502-автоколонналарнинг вакиллари баракали ишлаётганликларини таъкидлади.

Жумҳуриятимиз вакиллари яхши натижаларга эришаётганликлари бежиз эмас. Автомашиналарга ўз вақтида ва сифатли техника хизмати кўрсатилаётганлиги, ёнилғи билан таъминлаш яхши йўлга қўйилганлиги, ҳайдовчилар ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратилганлиги ана шундай омиллардандир. Сафарбарликнинг дастлабки натижаларини тилга олиш мумкин. Ҳозиргача Тошкент вилояти ва пойтахт автотранспортчилари 15 минг тоннадан зиёд донни Қозоғистон ғаллазорларидан кўзланган манзилларга етказиб беришди.

— Қозоғистон кенгликларида етиштирилган мўл ғалла ҳосилини йиғиб-териб олишда иштирок этиш муқаддас бурчимиздир, —деди Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги юк ташиш бош бошқармасининг бошлиғи Владимир Шестаков. — Чунки ҳар биримизнинг турмушимиз қай даражада бўлиши доннинг баракасига боғлиқ. Буни чуқур ҳис этган ҳайдовчиларимиз ризқ-рўзни саранжомлашда фаол қатнашмоқдалар.

Дарҳақиқат, қўшни жумҳурият ғаллазорларида ишлаётган ўзбекистонликларнинг сафи янада кенгайиб бормоқда. Яқинда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Андижон областларидан жўнаб кетган 350 ҳайдовчи Кустаной вилоятининг Орқалик райони хўжаликларида иш бошлаб юборди. Наманган, Самарқанд, Фарғонадан йўлланган вакиллар эса Урал вилоятининг Каменьск, Чагинроус ва бошқа районларида дон ташимоқдалар. Ҳозирги пайтгача жумҳуриятимиз ҳашарчилари 40 минг тоннадан ортиқ донни омборларга етказиб беришди. Ризқ-рўзни саранжом-сариштa қилиш йўлидаги катта кураш давом этаяпти.

**М. САВЕЛЬЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**

